



## Зикрларнинг энг афзали "Лаа илааха иллаллоҳ", дуоларнинг энг афзали "Алҳамдулилаҳ"дир

Жобир разияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Зикрларнинг энг афзали "Лаа илааха иллаллоҳ", дуоларнинг энг афзали "Алҳамдулилаҳ"дир». [Ҳасан] [Тирмизий, Насойи Куброда ва Ибн Можа ривоят қилишган]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда зикрларнинг энг афзали "Лаа илааха иллаллоҳ", яъни "Аллоҳдан ўзга сиғинишга ҳақли зот йўқ", дейиш эканини ва дуоларнинг энг афзали "алҳамдулилаҳ", яъни барча неъматларни берувчи зот камол (комиллик) ва жамол (гўзаллик) сифатларига энг лойиқ бўлган Аллоҳ субҳонаҳу ва таололигини эътироф этиш эканини хабар бермоқдалар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3567>

